

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеърлятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Ҳабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социоллингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

ЎҒИЛ БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЙЁРЛАШДА МАКТАБ,
МАҲАЛЛА ВА ОТА-ОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИСОТРУДНИЧЕСТВО ШКОЛЫ, МАҲАЛЛИ И РОДИТЕЛЕЙ В ПОДГОТОВКЕ
МАЛЬЧИКОВ К СЕМЕЙНЫМ ОТНОШЕНИЯМCOOPERATION BETWEEN SCHOOL, NEIGHBORHOOD AND PARENTS IN PREPARING
BOYS FOR FAMILY RELATIONSАрипов Шокиржон Олимович¹¹Арипов Шокиржон Олимович– Фарғона давлат университети педагогика
кафедраси ўқитувчиси.**Аннотация**

Мақолада ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

Аннотация

В статье обсуждаются некоторые аспекты сотрудничества школы, махалли и родителей в подготовке мальчиков к семейным отношениям.

Annotation

In this article some aspects of school, community and parents collaboration in the preparation of boys for family relationships have been discussed.

Таянч сўз ва иборалар: оилавий муносабатлар, ҳамкорлик, маҳалла, ота-она, оила, таълим муассасаси, миллий қадриятлар, педагог, оила педагогикаси, ижтимоий тузилма, тарбия мезонлари.

Ключевые слова и выражения: семейные отношения, сотрудничество, махалля, родители, семья, образовательное учреждение, национальные ценности, педагог, семейная педагогика, социальная структура, воспитательные критерии.

Key words and expressions: family relations, cooperation, neighborhood, parents, family, educational institution, national values, educator, family pedagogy, social structure, educational criteria.

Оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Оиланинг тинчлиги, тотувлиги, иқтисодий таъминланганлиги бевосита жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди. Шунингдек, оила тарбия ўчоғи ҳамдир. Оилада фарзанд тарбияси ҳар доим ҳам долзарб мавзу бўлиб келган. Айниқса, ўғил болалар тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Чунки қадимдан ўғил болалар тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Ўғил болалар бўлажак юртнинг ҳимоячиси, оиланинг бошқарувчиси, оилани иқтисодий таъминловчи шахс сифатида оилада ўз ўрнига эга. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ўғил болаларни қатъиятли, билимли, шижоатли, ақл-фаросатли, уддабурон қилиб тарбиялаш долзарб масалалардан биридир.

Бу ҳақда Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармонида миллий ва маънавий

қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда оила институтини ривожлантириш, бу соҳада йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган бўшлиқ ҳамда муаммолар ечими юзасидан тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдида долзарб вазифалар қўйилаётгани бежиз эмас. Жумладан, жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслақдоши ва кўмақдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш; жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш каби устувор йўналишларни ўз ичига олган [1].

“Педагогика” энциклопедиясида оила педагогикаси “педагогика фанининг оилада бериладиган таълим-тарбиянинг назарий-амалий асослари билан шуғулланувчи алоҳида тармоғи” [2,34] тарзида талқин қилинган бўлиб, оила педагогикаси жамиятнинг шахс тарбиясига доир муҳим

давлат сиёсатидаги устувор вазифаларини бажаришига хизмат қилади. Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлаш муаммоси боланинг туғилган куниданоқ бошланади, унинг тўлиқ мустақил шахс сифатида вояга етгунига қадар катталар назоратида давом этади. Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан оилада ҳам ота, ҳам онанинг бўлиши, уларнинг тарбия бобида ўзаро бирдамлиги ва тенглиги, баҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишига боғлиқ. Бу жараёнда болага қатъий чекловлар қўйилмайди, камситилмайди. Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлаш асосан икки йўл билан амалга оширилади: оила турмуш тарзининг таъсири остида ва педагогларнинг махсус тарбиявий таъсир ўтказиши натижасида. Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда педагогнинг роли беқиёсдир. Бола ҳаётининг катта қисми айнан педагогик фаолият жараёнида кечади, унинг характери, ҳаётий қарашлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, яъни унинг шахсининг фундаментал сифатлари шаклланади. Айнан шунинг учун педагог шахси – “улғайишнинг идеал образи” ҳисобланиб, унга кўра унинг яхлитлиги, уйғунлиги ва биринчи навбатда маънавий-ахлоқий қадриятлари ва установакалари боланинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.[3]

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш” таълим тизимининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлаш жараёнини тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлган педагогик механизм сифатида кўриб чиқиш заруратини изоҳлайди [4].

Ўтмишдан мерос бўлиб келаётган тарбиянинг шакл, усул ва воситаларида оиладаги ўзига хос урф-одатлар ва анъаналар, ота-оналарнинг тарбия ҳақидаги ғоялари, ҳаётий тажрибалари миллий халқ тажрибаси ҳисобланади. Фарзандларни оилавий муносабатларга тайёрлашда ота-оналар олдида қатор вазифалар туради:

– бола ҳаётининг биринчи куниданоқ унинг ўсиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;

– болаларни атрофдагиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг ишлари, қизиқишлари, манфаатлари билан ҳисоблашишга ўргатиш;

– болада жонкуярлик, вазминлик, камтарлик, умумманфаат билан ҳисоблашиш кўникмаларини таркиб топтириш;

– болада нутқ маданиятини шакллантириш;

– катталарни «Сиз»лаб мурожаат қилишга, аниқ талаффуз, мулойим ва ортиқча имо-ишорасиз сўзлашга ўргатиш;

– болада оилавий муносабатларга нисбатан бурч ҳиссини вужудга келтириш кабилар.

Эътироф этиш лозимки, фарзанд тарбияси борасида барча ота-оналарнинг тайёргарлик даражалари бир хил эмас. Масалан, Олий маълумотли ота-она билан ўрта маълумотли ота-онанинг бола тарбиясидаги тайёргарликлари тубдан фарқ қилади. Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлаш жараёнида мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигининг асосий вазифаларидан бири ҳам шундаки, турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ота-оналарга, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган оилалар, носоғлом оилаларда тарбияланаётган ўғил болаларнинг тақдирига бефарқ бўлмасдан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчиларнинг маълумотлилиқ даражалари ва тарбиянинг мураккаблиқ даражасини назарда тутган ҳолда ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ота-онадан фарзанди тарбиясидаги нуқсонлардан нолишдан олдин уларнинг тарбия соҳасидаги муҳтожликларини аниқлаш ва амалда кўмак бериш дастурини ишлаб чиқиб, қўллаб-қувватлаш зарур

бўлади. Бунинг учун эса ота-оналарда эҳтиёж шаклланган бўлиши, фарзандини бекаму-кўст тарбия топиши ва соғлом бўлиши учун доимий равишда ўзларининг педагогик, психологик ҳамда тиббий маълумотларини ошириб боришлари зарур.

Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлаш жараёнида мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Оилада аждодлардан мерос бўлиб қолган тарбия мезонлари ва анъаналарини фарзандларга етказиш ота-она зиммасида бўлади. Ота-она вазифаларини бажаришда яна бир муҳим омиллардан бири – бу, болани оилавий муносабатларга тайёрлаш ва унда ижтимоий бурч ҳиссини тарбиялашдир. Муносиб ота ва она фазилатларининг мужассамини топиш ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Тарихда шундай ота-оналар бўлганки, уларнинг саъй-ҳаракатлари, инсоний фазилатлари, ишбилармонлиги билан оиласи обод бўлган, аммо тараққиётга эмас, аксинча, беқарорликка сабаб бўлган етакчи оилалар ҳам талайгина. Булардан нотинч ва жиноятчиликка сабаб бўлувчи оила юзага келади. Жамиятимизда қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти юксалиб борар экан, оила етакчилари бўлган ота-онага нисбатан талаблар ҳам ўзгараверади.

Жадид маърифатпарварларидан М.Бехбудий балоғатга етаётган қизларни тўй – ҳашамларга камроқ олиб чиқишларини тайинлайди. Чунки кўпчилик тўйларда енгил табиат аёллар бўлиб, ҳар хил бўлмағур яллалар, ўйинлар қилиб, қизлар ахлоқига ёмон таъсир этиши мумкинлигини айтиб ўтади. Бехбудий яна ўша вақтлардаги Туркистонда никоҳнинг 17 ёшли йигитча билан 14 яшар қизнинг оиласи мукаммал бўлмаслигини таъкидлайди. Улар бу ёшда болалик одатларидан қутула олмаган бўлади. “Жами ҳифси сиҳат муаллифлари уйланмоққа эркак учун 25-30, аёллар учун 20-22 ёшларни тайин қилмоқ фикридадурлар”, –деб ёзади. Шуни ҳам унутмангки, фарзандлар айнан ота-онасидан ўрнак олади.

Бу ҳаётий ҳикматни Маҳмудхўжа Бехбудий «Падаркуш» драмасида Тошмурад мисолида сизларга етказмоқчи бўлган, албатта. Маҳмудхўжа Бехбудий «Падаркуш»

драмасида шундай илм-маарифатга тарғиб ва ташвиқ қилишда эътибордан жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади [5].

Айни кунда биз йигитларни касб-ҳунарга йўналтириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, оталик масъулиятини ҳис этиш борасида уларга кўпроқ тушунчалар ва ёши катталарни ҳаёт тажрибаларидан мисоллар келтиришимиз ва улар билан доимий давра суҳбатлари ташкил этишимиз керак бўлади. Ана шундан келиб чиқиб, йигитларни ҳам оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратишимиз керак. Уларга оиладаги эрлик, оталик вазифаси, рўзғор юритиш илмини жиддий ўргатиш зарур. Таълим муассасаларида ўғил болалар учун алоҳида “Рўзғор мактаби” ёки бошқа бирор номда тўғарак ташкил этилса, йигитларга рўзғор юритиш, пул топиш, уни тежамкорлик билан сарфлаш, эр-хотинлик муносабати, оилада қайнона-келин ўртасида можаро юзага келганда вазиятдан чиқиш каби оилавий ҳаёт сирлари ўргатилса, қолаверса, ота-оналар ҳам ўғилларини оила бошлиғи бўлишга лойиқ бўлганида, оиласини моддий жиҳатдан таъминлай оладиган даражага етганида уйлантирса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айниқса, баъзи йигитларнинг уқувсизлиги, масъулиятсизлиги муаммоларни янада кўпайтираётганидан кўз юма олмаймиз.

Эркак киши, асосан, оиланинг таъминотини яратиши, аёл киши эса оила бошлиғи топиб келган маблағ, моддий неъматларни тежаб-тергаш, уй-жойлар саранжом-сарихталигини таъминлаши, фарзандлар тарбияси билан шуғулланишлари зарур. Шунинг учун ўғил болаларни кўпроқ касб-ҳунарга ўргатишимиз керак бўлади. Халқимизда “Бир йигитга қирқ ҳунар оз”, деган мақол бор. Орамизда илмли, ҳунарли, оила, рўзғор, эрнинг вазифасини тушунадиган йигитлар жуда кўп. Лекин, эркатой, дангаса, бирор ишнинг бошини тутмаган, тайинли касб-ҳунарга эга бўлмаган йигитлар ҳам йўқ эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактабларида ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлаш, уларни тайинли иши, ҳунарли бўлишини таъминлаш ва бу ҳақда уларга мунтазам тавсиялар, маслаҳатлар бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. Педагогика: энциклопедия. III жилд. Жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/2022620>
5. М.Behbudiy. Padarkush. –Samarqand: Gazarov va Sliyanov, 1913 y
6. www.ziyonet.uz

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)